

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2020 ЙИЛ
ЯНВАРЬ-ДЕКАБРЬ**

Термиз – 2020 й.

СҮЗ БОШИ

Сурхондарё вилоятининг статистик ахборотномаси Сурхондарёнинг ижтимоий–иктисодий ривожланиши, иктисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи вилоят статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2020 йил январь-Декабрь ойлари якунлари бўйича Сурхондарё вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2020 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисбот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иктисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Сурхондарё вилоятининг иктисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иктисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг B,C,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иктисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгилangan таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иктисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иктисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 13 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиктисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иктисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистика ахборотномасида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташки савдо, улгуржи ва чакана савдо, нарх, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

МУНДАРИЖА

Номи	бет.
АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАР	6
I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ	7
II. САНОАТ	12
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	29
IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	40
V. ХИЗМАТЛАР	56
VI. ТРАНСПОРТ	64
VII. ИСТЕЙМОЛ БОЗОРИ	67
VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР	76
IX. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК	83
X. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ	99
XI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ	115
XII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ	129
XIII. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ	131

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	—	ялпи ҳудудий маҳсулот	0,0	—	катта бўлмаган миқдор
%.	—	фоиз	м.	—	марта
млрд.	—	миллиард	—	—	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.	—	МИЛЛИОН	га	—	гектар
млн. АҚШ долл.	—	МИЛЛИОН АҚШ доллари	т	-	тонна
МИНГ	-	МИНГ	дона	-	дона
кв.	—	квадрат	йўловчи/км	—	йўловчи-километр
км.	—	километр	Мбит/с	-	Мегабит/сония
м	—	метр	^{1), 2), 3).....}	—	изоҳнинг мавжудлиги
ф.п.	-	фоиз пункт	ф.д.	-	фоиз даража

**Асосий иқтисодий қўрсаткичлар
2020 йил январь-декабрь**


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>2019 йил январь-декабрига нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	24 003,6	104,4
Саноат маҳсулоти	5515,9	113,9
Истеъмол товарлари	2032,4	111,7
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	19 921,7	105,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	9 923,0	76,3
Курилиш ишлари	4 690,6	107,1
Юк айланмаси (млн. тн-км)	887,4	94,6
Йўловчи айланмаси (млн.йўловчи-км)	5112,1	89,2
Чакана товар айланмаси	12352,6	102,3
Хизматлар, жами	7919,7	103,3
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл.)	421,7	75,0
Экспорт	218,3	90,6
Импорт	203,4	41,5
Сальдо (+;-)	14,9	x

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-декабрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 24 003,6 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослагандага 4,4 % га ўсди. ЯҲМ дефлятор индекси 2019 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш суръати 106,6 фоизни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) - миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент - институционал бирликлар ишлаб чиқарии фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқарии усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маъсулотларга соғ соликлар тизиминдиси откапти ҳисобланади

Январь-декабрь ойларида ЯҲМ нинг физик ҳажм ва дефлятор индекслари динамикаси қўйидаги маълумотлар билан ифодаланади (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да):



ЯҲМ дефлятор индекси – ҳудуд иқтисодиётидаги нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯҲМнинг (амалдаги нархлардаги жорий давр ЯҲМ) реал ЯҲМ га нисбатининг тавсифи.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 9 040,6 минг сўмни ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,2 фоизни ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-декабрида иқтисодий фаолият турлари бўйича
ЯҲМнинг ишлаб чиқариш усули билан ҳисобланган таркиби**

	<i>Млрд. сўм</i>		<i>Физик ҳажсм индекси, % да</i>	<i>ЯҲМ ўсишидаги хиссаси, %</i>
	<i>2019 й.</i>	<i>2020 й.</i>		
ЯҲМ - жами	21 573,7	24 003,6	104,4	4,4
<i>ишу жумладан:</i>				
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	20 693,1	23 302,0	104,4	4,2
кишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиги	10 710,9	11 736,8	105,6	2,8
саноат	1 402,3	1 823,3	113,9	0,9
қурилиш	1 724,1	2 048,5	107,1	0,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 779,9	1 956,8	97,8	-0,2
ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа	941,8	1 035,6	101,0	0,0
бошقا хизмат тармоқлари	4 134,1	4 701,0	100,4	0,1
Маҳсулотларга соғ соликлар	880,6	701,6	104,8	0,2

Иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқdir. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (кейинги ўринларда ЯҚҚ) ҳажми ЯҲМ умумий ҳажмининг 97,1 % ини ташкил этди ва 4,4 % га ўсади (ЯҲМ мутлоқ ўсишига таъсири 4,2 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соғ соликларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 2,9 % ни ташкил этди ва 4,8 % даражасида ўсиш қайд этилди (ЯҲМ мутлоқ ўсишига таъсири 0,2 ф.п.).

**2020 йил январь-декабрь учун ЯҲМ нинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, %да**




ЯҲМ ўсиш суръатига қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги энг катта таъсир кўрсатди (50,4 ф.п.) ва бу соҳа ўтган йилнинг январь-декабрига нисбатан 5,6 % га ошди. Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши – 8,4 % ни, курилиш – 8,8 % га, саноат – 7,8 % ни, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 4,4 % ни ва бошқа хизматлар – 20,2 % ни ташкил қилди.

2020 йил январь-декабрь якунларига кўра, саноат тармоғида ҳам 13,9 % даражасида ижобий ўсиш суръати қузатилди. Мазкур тармоқдаги ўсиш суръати хисобидан ЯҲМ нинг 0,9 ф.п. ўсиши таъминланди.

Курилиш тармоғининг ўсиш суръатлари 7,1 % ни ташкил этди. ЯҲМ нинг мутлоқ ўсишида саноат тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,6 ф.п. даражасида баҳоланди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби



2020 йил январь – декабрда ЯҲМ таркибидаги саноат (қурилишни қўшган ҳолда) соҳасининг улуси 16,6 фоизни ташкил қилди, бу эса 2019 йил январь –декабрга нисбатан 1,5 ф.п. га ошди (15,1 фоиз). Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуси -0,2 ф.п. га, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматининг улуси -0,2 ф.п. га камайган, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуси 0,3 ф.п. га қўпайган.

Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ тармоқлари таркибидаги улуши 2020 йил январь – декабрда – 8,4 % ни (2019 йил январь – декабрда – 8,6 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 4,4 % ни (4,6 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 20,2 % ни (19,9 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**

2019 йил январь-декабрь



2020 йил январь-декабрь




- Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

II. САНОАТ

Сурхондарё вилоятининг саноат ишлаб чиқариши (2020 йил январь-декабрь)


Даслабки маълумотлар бўйича 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят корхоналари томонидан 5 трлн. 515,9 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2019- йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси* 113,9 % ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариш таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келиб, унинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуси (89,4 %) ни ташкил этди.



B- Төг-кон саноати ва очиқ конларни ишилаш, **C-** Ишлаб чиқарадиган саноат **D-** Электр, газ, буз билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, **E-** Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йигилиш ва утилизация қилиши.

Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш, ФХИ* % да




Жами саноат ишлаб чиқариш физик ҳажми пасайишнинг асосий омили бўлиб, тог-кон саноати ва очиқ конларни ишилаш саноатида - 20,2 % га ҳамда сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йигилиш ва утилизация қилишда - 10,3 % га пасайиши кузатилди.

Шунингдек, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг - 18,4 % га ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг - 13,3 % га ўсиши кузатилди.


**Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмининг таққосланадиган даврлардаги ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичdir.*

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатининг жами саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуси, % да



Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 215,9 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 3,9 % ини ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуси йил бошидан I-II-III-IV-чораклар, % да



Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш



Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Саноат маҳсулотлари	2019 йил январь-декабрь	2020 йил январь-декабрь	Фарқи +/-
Кўмир, минг т.	249,1	263,7	14,6
Нефт, минг т.	82,0	60,0	-22,0
Қаттиқ туз (ош тузидан ташқари), минг т.	31,1	27,8	-3,3
Қум, минг т.	50,0	50,4	0,4
Чақиқ тош, минг т.	82,5	104,6	22,1
Ёдгорликлар, пардозлаш ёки қурилиш ишлари учун гранит, қумтош ва бошқа тошлар, минг т.	0,2	9,7	9,5

Ишлаб чиқарадиган саноат



2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 4 трлн. 929,3 млрд. сўмни ёки жами саноат маҳсулотларининг 89,4 % ини ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % да




2019 йилнинг мос даври билан солиширганда ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 0,2 % ни (2019 йилнинг январь-декабрь ойларида - 0,1 %), ўрта-юқори технологияли - 0,6 % (0,3 %), ўрта-қуий технологияли - 19,9 % (21,3 %) ва қуий технологиялиси - 68,7 % (65,0 %) ни ташкил этди.

Юқори технологияли



Ўрта-юқори технологияли






Жами ишлаб чиқарадиган саноат таркибида машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, таъмиrlаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, яrim притслер ва бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш соҳасининг улуши - 5,6 % (2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 124,4 %), металлургия саноатининг улуши - 0,5 % (2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 164,1 %), тўқима-чилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши - 47,0 % (2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 126,9 %), озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши - 26,7 % (2019- йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 103,0 %), кимё маҳсулотлари, резина ва плацмасса буюмларини ишлаб чиқаришнинг улуши - 0,9 % (2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 275,1 %) ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноатда айрим турдаги маҳсулотларнинг ўсиш суръати

2020 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида ишлаб чиқарадиган саноатда 24,5 минг тонна пахта толаси (2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 191,3 %), 43,7 минг тонна чакана савдо учун қадоқланмаган йигирилган ип (121,4 %), 133,3 минг тонна ун (106,5 %), 167,8 минг тонна портландсемент (1,4 м.) ишлаб чиқарилиб юқори ўсиш суръатлари кузатилди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да




Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналар томонидан айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш

Саноат маҳсулотлари	2019 йил январь-декабрь	2020 йил январь-декабрь	Фарқи +/-
Пахта толаси, минг т.	12,8	24,5	11,7
Тозаланган пахта ёғи, минг т.	6,8	8,8	2,0
Ун, минг т.	125,1	133,3	8,2

Саноат маҳсулотлари	2019 йил январь-декабрь	2020 йил январь-декабрь	Фарқи +/-
Портландсемент, минг т.	12,5	167,8	155,3
Дизел ёқилғиси, минг т.	9,9	1,8	-8,1
Сариёғ, т.	2,6	3,3	0,7

Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялаш


2020- йилнинг январь-декабрь ойларида



Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 291,9 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 5,3 % ини) ташкил этди.

2020- йилнинг январь-декабрь ойларида, саноатнинг мазкур тармоғида газсимон ёқилғини қувурлар орқали тақсимлаш бўйича хизматлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси 45,7 % га ошганлиги кузатилди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши йил бошидан I-II-III-IV-чораклар, % да




**Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб
чиқариш**

Саноат маҳсулотлари	2019 йил январь-декабрь	2020 йил январь-декабрь	Фарқи +/-
Электроэнергия, млн. <i>kВт/с</i>	3,0	0,005	2,99
Иссиқлик энергияси, минг г.кал	66,3	33,6	-32,7

**Сув билан таъминлаш, канализация тизими,
чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш**

Минг тонн	2019 й.	2020 й.
Сув	79,3	78,8
Канализация	130,7	89,7
Чиқиндилар		
Утилизация		

Сув билан таъминлаш, канализатсия тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 78,8 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 1,4 % ини) ташкил этди.




Саноат маҳсулотлари	2019 йил январь-декабрь	2020 йил январь-декабрь	Фарқи +/-
Оқава сувларни ёъқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, млрд.сўм	2,7	3,7	1,0

Бошқа ахлатхоналарда хавфсиз чиқиндиларни ёъқотиш бўйича хизматлар, млрд.сўм	14,6	21,9	7,3
---	------	------	-----

2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан бошқа ахлатхоналарда хавфсиз чиқиндиларни ўқотиш бўйича хизматлар 49,6 % га, оқава сувларни ўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар 39,7 % га ошганлиги кузатилди.

Истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулот турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 трлн. 32,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 11,7 % га ўсган ҳолда унинг жами саноатдаги улуши 36,8 % ни ташкил этди.



Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида вино ва ароқ маҳсулотлари ва пиво 1,5 % (2019 йил январь-декабрь ойларида 2,8 %)ни ташкил этди.

Худудлар кесимида ицеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг вилоят жами ҳажмидаги энг юқори улуши Термиз шаҳри тўғри келиб 22,4 % ни, шунингдек, Денов тумани 15,5 % ни, Шўрчи тумани 14,2 % ни, Жарқўргон тумани 8,0 % ни ҳамда Термиз тумани 6,1 % ни ташкил этди.

**Худудлар бўйича истеъмол маҳсулотлари ишлаб
чиқариш ҳажми, таркиби ва ўсиш суръати**
2020 йилнинг январь-декабр ойларида

	Млрд. сўм	Улуши % да	Ўсиши % да		Млрд. сўм	Улуши % да	Ўсиши % да
	454,6	22,4	112,3		71,5	3,5	117,7
Термиз шаҳри							
	2,9	0,1	127,8		65,0	3,2	115,3
Бандиҳон							
	314,1	15,5	105,3		162,7	8,0	111,1
Денов							
	93,9	4,6	139,5		53,2	2,6	121,3
Кумкўргон							
	44,7	2,2	121,3		74,5	3,7	116,8
Музработ							
	98,5	4,8	115,5		123,7	6,1	112,4
Сариосиё							
	75,2	3,7	118,1		109,3	5,4	111,0
Узун							
	288,6	14,2	102,6				
Шўрчи							

Шунингдек, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг ўсиш суръати (вилоят ўсиш суръати 111,7 %) даражасидан юқори кўрсаткич Қумқўрғон (139,5 %), Олтинсой (116,8 %), Бандихон (127,8 %), Қизириқ (121,3 %), Музработ (121,3 %), Сариосиё (115,5 %), Бойсун (115,3 %), Узун (118,1 %), Термиз (112,4 %), Ангор (117,7 %) туманлари ҳамда Термиз шаҳрида (112,3 %) қайд этилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида

Ҳисобот даврида хорижий инвецитсиялар иштирокидаги корхоналар томонидан 1 трлн. 82,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги тутган улуши 19,6 % ни ташкил этди.

Сурхондарё вилояти ҳудудлари кесимида саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида

	Млрд. сўм		Улуши % да	Ўсиши % да			
	Млрд. сўм	Улуши % да	Ўсиши % да	Млрд. сўм	Улуши % да	Ўсиши % да	
Сурхондарё вилояти *							
	5515,9	100,0	113,9				
Термиз шаҳри							
	1160,6	21,0	110,3		123	2,2	106,2
Ангор							
	6,2	0,1	105,9		98,4	1,8	104,1
Бойсун							
	869,4	15,7	104,9		1019,4	18,5	105,1
Денов							
	369,3	6,7	131,1		75,3	1,4	116,4

* Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда

Қумкүргон			Қизириқ				
	Млрд. сўм	Улуши % да		Млрд. сўм	Улуши % да		
	190,2	3,4	122,8		113,4	2,1	105,9
Музработ							
	Млрд. сўм	Улуши % да	Ўсиши % да		Млрд. сўм	Улуши % да	Ўсиши % да
	294,6	5,3	102,3		151,8	2,8	104,8
Сариосиё							
	Млрд. сўм	Улуши % да	Ўсиши % да		Млрд. сўм	Улуши % да	Ўсиши % да
	115,4	2,1	116,3		449,6	8,2	105,2
Узун							
	Млрд. сўм	Улуши % да	Ўсиши % да		Млрд. сўм	Улуши % да	Ўсиши % да
	478,7	8,7	115,0		Шеробод		
Шўрчи							


Сурхондарё вилояти худудлари кесимида ишлаб чиқариш физик ҳажм индекси, ицеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, % да

Вилоят саноат ишлаб чиқариш физик ҳажм индексининг кўпайишига, Қумкүргон (2019- йил январь-декабрь ойларига нисбатан 131,1 %), Музработ (122,8 %), Қизириқ (116,4 %), Узун (116,3 %), Шўрчи (115,0 %) туманларида ва Термиз шаҳрида (110,3 %) саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари физик ҳажм индексининг сезиларли даражада кўпайганлиги билан изохлашимиз мумкин.

**Саноат ишлаб чиқариш
физик ҳажми индекси, %
да**



**Истебъом махсулотлари
ишлаб чиқаришда ўсиш
суръати, % да**



**Сурхондарё вилояти жами саноат
маҳсулотлари ҳажмида худудларнинг улуши, % да**

Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп улуш Термиз шаҳри (Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 21,0 % и), Жарқўрғон (18,5 %) ҳамда Денов (15,7 %) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Энг паст кўрсаткич эса Бандиҳон (0,1 %), Қизириқ (1,4 %) ҳамда Бойсун (1,8 %) туманларига тўғри келмоқда.

Аҳоли жон бошига саноат махсулотлари ишлаб чиқаришнинг тақсимланиши, йирик саноат корхоналари жойлашганлиги ҳисобига Термиз шаҳри (6 405,2 минг сўм), Жарқўрғон (4 633,8 минг сўм), Денов (2 237,9 минг сўм), Шеробод (2 301,9 минг сўм) ҳамда Шўрчи (2 273,1 минг сўм) туманларида ўртача Вилоят дарражаси кўрсаткичидан (2 077,5 минг сўм) анча юқорилигини кўрсатмоқда.



Вилоят бўйича аҳоли жон бошига истебъом махсулотлари ишлаб чиқарилиши 765,5 минг сўм бўлгани ҳолда Термиз шаҳрида – 2 508,7 минг сўмни, Термиз туманида – 1 589,7 минг сўмни, Шўрчи туманида – 1 370,2 минг сўмни, Денов туманида – 808,6 минг сўмни ташкил этди.

**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари
ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш
2020 йилнинг январь-декабрь ойларида, минг сўм**

	Саноат маҳсулотлари		Истеъмол маҳсулотлари		
	2077,5		765,5		
Сурхондарё вилояти					
	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари			
	6405,2	2508,7		926,2	
	Термиз шаҳри			536,0	
	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари			
	81,5	38,5		844,1	
	Бандиҳон			558,3	
	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари			
	2237,9	808,6		4633,8	
	Денов			739,7	
	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари			
	1563,7	397,5		655,5	
	Қумкўргон			463,3	
	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари			
	1331,6	312,9		636,1	
	Музработ			418,1	
	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари			
	1395,1	466,4		1951,3	
	Сариосиё			1589,7	
	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари			
	668,8	435,5		2301,9	
	Узун			559,6	
	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари		Шеробод	
	2273,1	1370,2			

**Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда
кичик бизнеснинг улуши
2020 йилнинг январь-декабрь ойларида, % да**

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик субектлари томонидан 2 трлн. 608,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, унинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидағи улуши 47,3 % ни ташкил этди.




Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Олтинсой, Бандиҳон, Узун (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 % дан), Қизириқ (98,9 %), Бойсун (94,7 %), Ангор (92,1 %) ҳамда Термиз (89,4 %) туманларида кузатилди.

Вилоятамиз худудлари кесимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнес субектларининг улуши таҳлили шуни кўрсатдики, Шеробод (30,9 %), Қумкўргон (37,1 %), Денов (33,7 %), Жақўргон (37,7 %), Шўрчи (44,2 %) туманлари ҳамда Термиз шаҳрида (42,1 %) саноат ишлаб чиқариш ҳажмидағи кичик бизнес субъектлари улушининг камлигини мазкур худуларда жойлашган йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажмлари юқори эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

**Вилоятда фаолият кўрсатаётган ва янги
ташкил этилган саноат корхоналари
(2021 йил 1 январь ҳолатига кўра)**


Бугунги кунда вилоятда 4086 та саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда, шундан 724 таси (рўйхатдан ўтган корхоналар умумий сонининг 17,7 % и) Термиз шаҳрига ва 508 таси (12,4 %) Денов туманига тўгри келмоқда.



2020 йилнинг январь-декабрь ойида вилоятда 1 788 та янги саноат корхоналари ташкил этилди, шулардан 277 таси (жами янги ташкил этилган саноат корхоналари ҳажмидаги улуши 15,5 %) Денов туманида, 213 таси (11,9 %) Термиз шаҳрида ташкил этилди.

**Шаҳар ва туманлар кесимида фаолият
кўрсатаётган саноат корхоналари
2021 йил 1 январь ҳолатига кўра**

Бугунги кунда шаҳар ва туманлар кесимида фаолият кўрсатаётган энг кўп саноат корхоналари жойлашган ҳудудлар 5 талигига Термиз шаҳри (724 та), Денов (508 та), Шўрчи (273 та), Термиз тумани (264 та) ҳамда Кумкўрғон (251 та) туманлари қайд этилди.



2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра вилоятимизда фаолият қўрсатаётган энг кам саноат корхоналари жойлашган худудлар 5 талигига эса Бандихон туманида (50 та), Қизириқ туманида (178 та), Олтинсой туманида (199 та), Ангор туманида (213 та) ҳамда Музработ туманида (224 та) қайд этилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши

Вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатлариiga эришишда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дацурунинг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини қўрсатди. Мазкур дастур доирасида киритилган 20 та лойиҳа бўйича 56,4 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида 235 та янги иш ўринлари яратилиб, ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда янги ташкил этилган иш ўринлари сони 13,3 % га камайган.


Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари

	2019 йил январь-декабрь	2020 йил январь-декабрь
Лойиҳалар сони, бирликда	14	20
Корхоналар сони, бирликда	14	19
Ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм	56,4	56,4
Экспорт қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, млн. АҚШ доллари	0,3	-
Яратилган янги иш ўринлари, бирликда	271	235

III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ


2020 йил январь-декабрда ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 19921,7 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 105,6 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 19660,7 млрд. сўмни, ўрмончилик хўжаликларида 201,3 млрд. сўмни (101,9 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 59,7 млрд. сўмни ташкил қилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари (кўрсатилган хизматларнинг) ишлаб чиқариш ҳажми ҳудудлар кесимида




Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари (кўрсатилган хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми худудлар кесимида тақсимланиши

(вилоят ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)




Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши

(% да)




Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 71,3 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 24,1 фоизи фермер хўжаликларига ва 4,6 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келмоқда.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми хўжалик тоифалари бўйича худудлар кесимида тақсимланиши
(% да)**



Дехқончилик. 2020 йил январь-декабрда дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 9801,9 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 107,7 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида дехқончилик маҳсулотларининг улуши 50,3 фоизни ташкил этди.

Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши
(фоиз ҳисобида)



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар умумий ҳажмининг 50,1 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 43,4 фоизи фермер хўжаликларига ва 6,5 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

2020 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган асосий турдаги дехқончилик маҳсулотлари


Барча турдаги хўжаликлар	шу жумладан							
	фермер хўжаликлари		дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар			
	минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да
Дон экинлари	678,3	110,2	528,9	111,6	85,9	94,4	63,6	124,2
Картошка	331,5	102,3	16,3	102,5	313,8	102,2	1,4	103,6
Сабзавотлар	1 013,5	104,3	190,7	107,7	777,7	100,2	45,1	2,4 м.
Полиз	307,5	104,2	94,8	109,0	209,7	102,7	3,1	77,2
Мева ва резаворлар	164,5	104,5	53,7	110,5	107,7	101,2	3,1	131,3
Узум	95,6	101,5	49,6	101,7	43,1	101,8	2,9	94,6

Ҳосил йигими. 2020 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 678347 тонна дон ва дуккакли дон экинлари (110,2 фоиз), 331464 тонна картошка (102,3 фоиз), 1013532 тонна сабзавот (104,3 фоиз), 307507 тонна полиз (104,2 фоиз), 164507 тонна мева ва резаворлар (104,5 фоиз) ва 95552 тонна узум (101,5 фоиз) етиштирилди.




Барча ҳудудларда дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дехқон ва фермер хўжаликлири ҳисобига бўлиб, дон экинлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 90,6 фоизни, картошка 99,6 фоизни, сабзавот 95,6 фоиз, полиз 99,0 фоизни, мевалар 98,1 фоиз ва узум ишлаб чиқаришда 97,0 фоизни ташкил этди.

Асосий турдаги дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши




2020 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деңқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш (минг тонна)




■ Дон экинлари ■ Картошка ■ Сабзавотлар





Чорвачилик. 2020 йил январь-декабрда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 9702,8 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 102,7 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 49,7 фоизни ташкил этди.


2020 йил январь-декабрда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 193,2 минг тонна гўшт (2019 йил январь-декабрига нисбатан 3,6 фоизга кўп), 885,7 минг тонна сут (2,1 фоизга кўп), 516,0 млн. дона тухум (0,6 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.



**2020 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган
асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари**


	Барча турдаги хўжаликлар		шу жумладан					
			фермер хўжаликлари		дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да
Гўшт, тирик вазнда	193,2	103,6	9,3	109,0	181,8	103,2	2,1	122,3
Соғиб олинган сут	885,7	102,1	21,2	126,2	860,1	101,6	4,3	107,7
Тухум, млн.дона	516,0	100,6	51,9	68,4	222,7	102,0	241,4	110,3
Жун, тонна	2574	102,7	365	118,5	2139	100,4	70	102,9
Қоракўл тери, дона	11463	103,9	2136	121,4	5153	101,3	4174	99,8

**2020 йил январь-декабрь ойларида чорвачилик маҳсулотлари
ишлаб чиқариш таркиби**
(ишлаб чиқарии умумий ҳажсига нисбатан фоиз ҳисобида)



Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дехқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуси 98,9 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,5 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 53,2 фоизни ташкил этди.

2020 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби




2021 йилнинг 1 январь ҳолатига 2019 йилнинг шу даврига нисбатан йирик шоҳли қорамоллар 102,4 фоизга (жами 997,7 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 102,2 фоизга (387,4 минг бош), қўй ва эчкилар 102,5 фоизга (2421,6 минг бош) ва паррандалар 104,3 фоизни (5102,5 минг бошни) ташкил этди.

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига ҳўжалик тоифалари бўйича



чорва моллари ва паррандалар бош сони

Барча турдаги ҳўжаликларда	шу жумладан							
	фермер ҳўжаликларида		дехқон (шахсий ёрдамчи) ҳўжаликларида		қишлоқ ҳўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда			
	минг бош	ўсиш суръати, %да	минг бош	ўсиш суръати, %да	минг бош	ўсиш суръати, %да	минг бош	ўсиш суръати, %да
Корамоллар	997,7	102,4	51,0	112,8	932,5	101,7	14,2	117,4
шу жумладан, сигирлар	387,4	102,2	18,0	109,8	366,2	101,9	3,2	103,2
Кўй ва эчкилар	2 421,6	102,5	425,8	109,2	1 942,8	101,2	53,0	101,0
Паррандалар	5 102,5	104,3	338,6	138,1	2 569,7	102,5	2 194,2	102,5



Дехқон (шахсий ёрдамчи) ҳўжаликларида йирик шоҳли қорамолларнинг улуши 93,5 фоизни, фермер ҳўжаликларида эса 5,1 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,6 ва 4,6 фоизни, қўй ва эчкилар 80,2 ва 17,6 фоизни, отлар 73,3 ва 24,7 фоизни, паррандалар 50,4 ва 6,6 фоизни ташкил этди.


2021 йил 1 январь холатига барча тоифадаги хўжаликларда чорва моллари ва паррандалар бош сони (минг боши)



IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2020 йил январь-декабрь ойларида Сурхондарё вилоятида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари хисобидан 9 923,0 млрд. сўм, (доллар эквивалентида 0,99 млрд. АҚШ долл.) ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 76,3 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.


**Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиши суръати, % да)
(2020 йил январь-декабрь)**



2020 йил январь-декабрида жами асосий капиталга инвестицияларнинг катта кисми, яъни 74,7 % и вилоятнинг олтига ҳудудида, жумладан, Термиз шаҳрида - 11,5 %, Бойсун туманида - 33,2 %, Сариосиё туманида - 9,3 %, Термиз туманида - 7,8 %, Шеробод туманида - 6,6 % ва Денов туманида - 6,3 % ўзлаштирилди.

Қатор ҳудудларда асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди, жумладан, Шеробод туманида ўтган йилга нисбатан 148,6 % (асосий капиталга инвестициялар ҳажми 658,7 млрд. сўм), Ангор туманида – 129,6 % (255,6 млрд. сўм), Щўрчи туманида 119,6 % (293,8 млрд. сўм), Қумқўргон туманида – 113,7 % (313,6 млрд. сўм), Узун туманида – 108,6 % (252,5 млрд. сўм).

Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар
(2020 йил январь-декабрь)




2020 йил январь-декабрда аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори қўрсаткичлар Термиз шаҳрида – 6 271,9 минг сўм (ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 79,1 %), мос равишда Бойсун туманида – 28 293,5 минг сўм (82,8 %), Термиз туманида – 9 990,2 минг сўм (100,2 %), Сариосиё туманида – 4 376,0 минг сўм (76,2 %), Шеробод туманида – 3 372,7 минг сўм (145,4 %), Денов туманида – 1 615,1 минг сўм (99,2 %) ва Ангор туманида – 1 916,4 минг сўм (127,0 %) қайд этилди.

**2020 йил январь-декабрда асосий капиталга инвестицияларнинг
молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши**

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиши суръати, % да</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Асосий капиталга инвестициялар	9 923,0	76,3	100,0
<i>ишу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар	1 473,0	94,2	14,8
бюджет маблағлари	682,8	90,2	6,9
Давлат мақсадли жамғармалари	112,6	76,6	1,1
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	677,6	102,8	6,8
Марказлашмаган инвестициялар	8 450,0	73,8	85,2
корхона маблағлари	822,7	82,2	8,3
аҳоли маблағлари	1 282,2	122,1	12,9
тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	5 480,6	69,0	55,2
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	864,5	60,0	8,8

**Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий
капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, % да**

2019 йил январь-декабрь




2020 йил январь-декабрь



Марказлашган молиялаштириш манбалари хисобидан 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 94,2 % ёки 1 473,0 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 14,8 %и ёки ўтган йилдаги кўрсаткичига нисбатан 2,8 % пунктга кўпайган) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, мос равища, марказлашмаган молиялаштириш манбалари хисобидан 8 450,0 млрд. сўм ёки 85,2 %ни ташкил этди.


Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари



2019 йилнинг мос даври билан солиштирганда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар улуши 1,7% ф.п. га кўпайди.

Республика бюджети хисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 682,8 млрд. сўмни ташкил қилди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашмаган
молиялаштириш манбалари**



Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 55,2 %), тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари (8,7 %) ҳисобига тўғри келди

Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган йирик давлат аҳамиятидаги ижтимоий инвестиция лойиҳаси:

Дастур бўйича “Ўзшаҳарқурилиши инвест” ИК томонидан шаҳар жойларда арzon қўп қаватли турар жойлар қурилиши.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш
манбалари бўйича таркиби**

	Жами инвести- циялар, млрд. сўм	шу жумладан молиялаштириши манбалари бўйича: (жамига нисбатан, %)				
		Республика бюджети	Давлат мақсадли жамгармалари	Корхона ва аҳоли маълами	Тижорат банк кредитлари ва бонка қарз маълалари	Хоризжий инвестиция ва кредитлар
Сурхондарё вилояти	9 923,0	6,9	1,1	21,2	8,7	62,1
Термиз ш.	1 136,5	9,9	1,2	23,4	23,0	42,5
<i>туманлар:</i>						
Олтинсой	258,7	18,9	1,1	28,4	5,9	45,7
Ангор	255,6	12,3	3,4	33,0	11,5	39,8
Бандихон	50,6	8,4	3,4	54,8	0,0	33,4
Бойсун	3 296,2	1,4	0,1	4,1	2,2	92,2
Денов	627,5	12,6	1,7	37,6	8,0	40,1
Жарқўргон	505,8	5,9	0,8	57,9	6,4	29,0
Қизириқ	202,4	16,8	0,8	42,4	11,1	28,9
Қумқўргон	313,6	9,9	2,7	24,5	13,0	49,9
Музработ	369,7	8,2	2,9	32,6	10,7	45,6
Сариосиё	924,2	5,1	1,1	22,3	12,7	58,8
Термиз	777,2	12,1	1,1	23,8	17,8	45,2
Узун	252,5	7,3	2,9	32,0	3,4	54,4
Шеробод	658,7	6,0	2,7	23,0	1,6	66,7
Шўрчи	293,8	13,1	0,6	27,6	9,2	49,5

**Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича
технологик таркиби
(2020 йил январь-декабрь)**

	Жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	9 923,0	1 067,0	8 856,0
шу жумладан жамига нисбатан %			
да:			
Курилиш – монтаж ишлари	61,8	80,8	63,6
Машина, ускуна, инвентар	32,9	13,7	31,7
Бошқа харажатлар	5,3	5,5	4,7

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Вилоят бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуси – 61,8 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар – 32,9 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуси – 5,3 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган
асосий капиталга инвестициялар (2020 йил январь-декабрь)**


	Млрд. сўм	Жамига нисбатан % да	
		Январь-Декабрь 2019 й.	Январь-Декабрь 2020 й.
Асосий капиталга инвестициялар-жами	9 923,0	100,0	100,0
Шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:			
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги			
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 490,4	16,8	15,0
Тоғ - кон саноати	3 370,3	41,1	34,0
Ишлаб чиқариш саноати	1 459,5	12,0	14,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	272,8	1,8	2,7
сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	231,3	2,9	2,3
курилиш	296,5	2,1	3,0
улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	321,1	3,1	3,2

давоми

	Млрд. сўм	Жамига нисбатан % да	
		Январь-Декабрь 2019 й.	Январь-Декабрь 2020 й.
Ташиш ва сақлаш	455,7	16,0	4,6
Яшаш ва овқатланиш бўйича ҳизматлар	46,6	0,2	0,5
Ахборот ва алоқа	47,4	0,5	0,5
Молия ва суғурта фаолияти	22,5	0,3	0,2
Профессионал, илмий ва техник фаолият	8,7	0,1	0,1
Таълим	320,7	3,2	3,2
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳизматлар кўрсатиш	213,7	3,0	2,2
Саънат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳаси	27,2	0,8	0,3
Жами фаолият турларидан ташқари:			
турар жой қурилишига инвестициялар	1 147,2	18,2	11,6
Бошқа фаолият турлари	191,4	4,8	1,9

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: тоғ – кон саноатида 3 370,3 млрд. сўм (жами инвестициялар хажмидаги улуши 34,0 %), шу жумладан хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турида 3 097,8 млрд. сўм, ишлаб чиқариш саноатида 1 459,5 млрд. сўм (14,7 %), шу жумладан озиқ – овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш 343,0 млрд. сўм (3,5 %), текстиль маҳсулотларни ишлаб чиқариш 254,2 млрд. сўм (2,6 %), бошқа нометал номинерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 644,1 млрд. сўм (6,5 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 272,8 млрд. сўм (2,7 %), сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш фаолият турида 231,3 млрд. сўм (2,3 %), қурилиш фаолияти турида 296,5 млрд. сўм (3,0 %), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 321,1 млрд. сўм (3,2 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 455,7 млрд. сўм (4,6 %), ахборот ва алоқа фаолият турида 47,4 млрд. сўм (0,5 %), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 8,7 млрд. сўм (0,1 %), таълим соҳасида 320,7 млрд. сўм (3,2 %), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 1 147,2 млрд. сўм (11,6 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

**2020 йил январь-декабрида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий
капиталга инвестициялар таркиби**



Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби



Сурхондарё вилояти асосий капиталга инвестициялар бўйича корхона ва ташкилотларни модернизация қилиши, техник ва технологик қайта қуроллантириши, ҳамда кенгайтиришига инвестициялар улуши – 20,8 % ни ташкил этди.

2020 йил январь-декабрда 6 158,2 млрд. сўм (доллар эквивалентида 0,6 млрд. АҚШ долл.) ёки 2019 йил январь-декабрга нисбатан 71,6 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 62,1 % ни ташкил этди.

